


## ХИТОЙ ТАРАҚҚИЁТИДА: МАФКУРА, ТИЗИМ, СИЁСАТ

 10.24412/2181-1784-2021-1-587-592

**Усарова Ф.Х.**

сиёсий фанлар номзоди, катта илмий ходим Ўзбекистон Республикаси  
Фанлар академияси ҳузуридаги Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари  
бўйича Мувофиқлаштирувчи-методик марказ директор ўринбосари  
[usarova.feruza@mail.ru](mailto:usarova.feruza@mail.ru)

***Аннотация.** Мақолада Хитой ривожланишида миллий мафкура омилнинг давлатнинг ички ва ташқи сиёсатида алоҳида ўринга эга эканлигига эътибор қаратилган. Хитойнинг давлатларaro ижобий муносабатларни мустаҳкамлашда миллий урф-одат ва қадриятларнинг, маданият ва маънавиятга асосланган миллий мафкурани билиш, англаш ва ҳурмат қилиш муҳим омиллардан бири эканлиги таҳлил қилинган.*

***Калим сўзлар:** Хитой, зоя, маданият, Миллий зоя, ватанпарварлик, одамийлик, хусусиятлари, ривожланиш.*

***Annotation.** The article analyzes the place and role of China's national ideology as a development in the country's domestic and foreign policy. It was analyzed that knowledge, understanding and respect for national traditions and values, national ideology based on culture and spirituality are one of the important factors in strengthening positive interstate relations in China.*

***Key words and expressions:** China, culture, National ideology, patriotism, humanity, features, development.*

Ҳозирги даврда жамиятлар ривожланишини глобаллашув жараёнларининг инсонлар менталитети, маънавий дунёси, ижтимоий хатти-ҳаракатларига таъсирсиз тасаввур этиб бўлмайди. Инсоннинг кейинги тараққиёт йўллари глобаллашув шароитида шахснинг ижтимоий онги, йўналтирувчи мақсадлари, қадриятлари, ҳаётини тушунчалари, дунёқараши ва охир-оқибат унинг жамият билан муносабатларида қандай ўзгаришлар содир бўлаётганига боғлиқ. Шунинг учун ижтимоий ва гуманитар фанларда глобаллашувнинг жамият ҳаётининг нафақат иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, балки, маданий ва мафкуравий соҳаларига таъсири масалалари, ўз навбатида

маданий-мафкуравий омилнинг жамиятларнинг ривожланишида тутган муҳим ролига катта эътибор қаратилмоқда.

Жаҳон тажрибасига назар ташласак, бутун дунё тараққиётига улкан таъсир кўрсатган назарий таълимот ва мафкураларни яратиш учун инсоният тарихининг турли даврларида улкан ақл-заковат, истеъдод ва теран тафаккур соҳиблари мислсиз захмат чекканини кўрамиз. Суқрот ва Платон, Конфуций ва Зардўшт, Алишер Навоий ва Махатма Ганди каби буюк мутафаккирлар фаолияти бунинг яққол тасдиғидир. Уларнинг ҳар бири ўз даврида ўзи мансуб халқни бирлаштирадиган улкан аҳамиятга молик ғояларни яратганлар. Бу ғояларга таяниб бунёдкорлик йўлида, эзгу мақсадларга эришиш учун ҳормай-толмай меҳнат қилганлар. Ҳар қандай таълимот бир тизимга солинган ғоялар мажмуидан иборат бўлади. Дунёқарашнинг негизини ва муайян ишонч-этиқоднинг асосини ҳам ғоя ташкил этади. Миллат ва давлатларнинг манфаатлари ва мақсадлари ҳам ғояларда ифода этилади. Ўз олдига қўйган мақсади, қандай жамият қурмоқчи экани, бунга қандай йўللар ва воситалар билан эришмоқчи бўлаётгани ҳақидаги ғоялар тизими ҳар бир миллат, халқ ва жамиянинг миллий мафкурасининг асосини ташкил этади.

Шу маънода, неча юз йиллик тарих ва маданиятимиз, миллий ўзлигимизнинг ажралмас қисмига айланиб кетган муқаддас динимизни асраш, аждодларимизнинг бебаҳо маънавий-маърифий меросини ўрганиш ва тарғиб этиш биз учун доимий кун тартибида турадиган муҳим масала бўлиб қолмоқда. Сир эмаски, ҳозирги вақтда аксарият одамлар “мафкура” деган сўзга бироз ҳадиксираб қарайди, уни демократик жамиятга бегона деб ҳисоблайди. Лекин биз мафкура деганда, аввало, фикр тарбиясини, миллий ва умуминсоний кадриятлар тарбиясини тушунамиз.

“Бу ёруғ дунёга келган ҳар бир инсон орзу-умидлар билан яшайди, келажак ҳақида турли-туман режалар тузади, хайрли ниятлар қилади. Худди шундай ҳар бир халқнинг ҳам тинч-тотув яшаш, фаровон ҳаёт, барқарор тараққиёт билан боғлиқ орзулари бўлиши табиий. Жаҳон халқлари сиёсий луғатларида “Америка орзуси” “Британия орзуси” “Россия орзуси” “Япония орзуси” “Хитой орзуси” деган тушунчалар мавжудлиги буни яққол тасдиқлайди. Улар бесабаб ва тасодифан шаклланмаган. Ушбу тупгунчаларнинг ҳар бири ўша халқнинг умумий орзу-умидлари, улар яшаётган давр ва келажакка доир мақсад-муддаоларни ифода этади. Муайян халқ ёки худуд аҳолисининг асрлар давомида шаклланган ва умумижтимоий орзуларини

ифодалайдиган бундай тушунчалар замирида ниҳоятда теран маъно-мазмун мужассам экани шубҳасиз.[1].

Бугунги замонавий глобаллашув жараёнларининг ўзига хос жиҳатларидан яна бири бу давлатлараро муносабатларни мустаҳкамлашда асрлар оша шаклланиб келган маданиятлараро мулоқотни мустаҳкамлаб бориш ҳисобланади [2]. Бу мақсадни амалга оширишда эса мафкуранинг алоҳида роли бор албатта. Ўз навбатида мафкура халқни бир мақсад йўлида бирлаштиришга хизмат қилади деса муболаға бўлмайди.

Буни ҳозирги кунда ўз аҳамиятини йўқотмаган, уларни катта куч сифатида ушлаб турган Хитой Халқ Республикасидаги коммунистик мафкура ва асрлар давомида Хитой халқининг асосий бирлаштирувчи мафкураси бўлмиш конфуцийлик таълимоти мисолида кўриб чиқишимиз мумин. Конфуций (хитойча 孔子 Кун Сзи, мил. авв. 551 – 479 й.й.) – Хитой фалсафасига тамал тоши қўйган, конфуцийлик таълимоти асосчиси ва сиёсий арбоб бўлиб, таълимоти марказида “олий одам” ғояси туради. У ҳукмрон табақанинг идеал вакили бўлиб, Конфуций таълимоти ёрдамида ўзида олийжаноб фазилатларни шакллантирган. Файласуфнинг “Ҳикматлар”и “олий одам”нинг шундай юксак инсоний фазилатларини акс эттиради. Аниқроқ айтганда, бу зот олий ҳукмдорга нисбатан чуқур эҳтиромли, халққа мурувватли бўлиб, бутун куч ва қобилиятини жамият олдидаги бурчини оқлашга, миллий урф-одат ва анъаналарнинг тўла-тўқис бажарилишини таъминлашга сарф этувчи кишидир. Шунинг учун ҳам унинг ўғитлари, панд-насихатлари Хитойда ҳанузгача эъзозланиб, қадрланиб келинади [6].

Маълумки, Хитойда миллий давлатчилик анъаналари шаклланган, цивилизация вужудга келган қадимий маданият ўчоқларидан бири ҳисобланади. Агар тарихга назар соладиган бўлсак, Хитойда кучли Хан империяси мавжуд бўлган даврда илм-фан ривожланиши билан бирга маданиятлараро муносабатларни мустаҳкамлашда Хитойни бир байроқ остида бирлаштирган миллий мафкура юзага келган. Бу асосий йўналтирувчи мафкура-конфуционизм эди. Конфуционизм халқни бир мақсад йўлида бирлашган ҳолда, яъни бир тану-жон бўлиб тараққиёт йўлида меҳнат қилиб, келажакка чорлаган. Кейинчалик бу мафкура катта кучга айлангани сабабли Хан империяси конфуционизмга расмий мафкура мақомини ҳам берган. Конфуционизм давлатнинг асосий масалаларида фаол иштирок этиш билан бирга, давлат тамойилларини ишлаб чиқиш, давлат идораларига асосий кадрларни тайёрлаш каби муҳим масалалар бу йўналиш вакиллари томонидан амалга оширилган эди.

Улар давлатнинг барча асосий соҳаларида жойлашган бўлиб, Хитой олиб борадиган сиёсатга катта таъсир кўрсата олар эдилар [4]. Қолаверса, давлат қонунчилигидаги асосий қонунлар конфуционистлар томонидан ишлаб чиқилиб, ҳаётга тадбиқ қилинган. Шунингдек, Хитойдаги таълим соҳаси ҳам Конфуций издошлари томонидан ислоҳ қилиниб, унда таълим оладиган ҳар бир киши конфуционизм қараш ва ғояларига асосланган чуқур билим олиб чиқар эди. Шу тариқа конфуцийлик давлатнинг барча асосий тармоқлари, дипломатия, ҳарбий соҳа, иқтисод, ижтимоий, маданий-маърифий ва давлатни ички ва ташқи сиёсатини бошқаришга оид фанлар соҳасида етакчиликни сақлаб келди [3].

Ижтимоий муносабатлар конфуцийлик аجدодлардан қолган бой маънавий-маданий меросга суянган ҳолда тартибга солинган. Оддий хитойликлар ўз уйларида ота-боболарининг исмлари ёзилган лавҳалар бўлиши муҳим бўлган. Бу эса ўз навбатида ота-боболарига, императорга юқори даражадаги ҳурмат кўрсатишни назарда тутган. Давлат хизматчилари учун эса юқори лавозимларга кўтарилиши ва мансабга эга бўлиши учун у албатта Конфуций асарлари бўйича имтиҳон топшириши шарт бўлган [7].

Маълумки, Хитойда буддизм кенг тарқалади. Бунининг асосий сабабларидан бири бу шахсга, оиладаги қадриятларга, шахснинг ўзига баҳо бериш имкониятларига эътибор қаратилгани эди [5]. Бу дин ўз навбатида шахсни давлат ва оила атрофида бирлаштириб, мафкура вазифасини бажарди. Оддий одамларнинг қалбидан буддизм уларнинг ҳаётини енгиллаштирадиган, муаммоларининг маънавий ечимини топа оладиган, руҳан кўмаклашадиган ва келажакка умид бахшида қилгани сабабли тез ўрин олди. У турли эпидемиялар пайтида аҳолига катта маънавий кўмак бўлди. Масалан, тоза сув билан таъминлаш мақсадида биргаликда қудуқлар қазилди, бепул ошхоналар ташкил топди, жамоат ҳаммомлари, кўприклар қурилди, тозалик ҳамда ободонлаштиришга катта эътибор қаратилди [8]. Бу эса ўз навбатида халқни бир мақсад йўлида, Ватани тараққиётига ўз ҳиссасини қўшиш каби мафкура атрофида бирлаштиришга олиб келди. Юқорида келтирилган мафкуралар турли босқичларда ўзгариб, сайқалланиб, ҳозирга кунга қадар элементлари сақланиб келмоқда. Бошқача қилиб айтганда замонавийлашмоқда.

Хитойдаги замонавий миллий мафкуранинг эволюциясига назар соладиган бўлсак, XX асрнинг ўрталаридан бошлаб, Хитойда коммунистик мафкура жамики мафкуралар устидан ҳукмронлик қила бошлади. Шу тариқа Хитойнинг ягона мафкурасига айланди. Бу мафкура бутун XX аср давомида эришилган

барча ютуқ ва камчиликларнинг сабабчисига айланди. Хитой коммунизми XX асрнинг 20-йилларидан марксизм-ленинизм ғоялари асосида қурилган бўлса, кейинчалик у Мао Цзэдун ғоялари билан тўлдирилди. Маосизм номи билан машҳур бўлган ғоя ва мафқулар XX асрнинг 70-йилларга қадар Хитой коммунистик партиясининг асосий мафқураси сифатида қабул қилинди. Маосизм йўналиши 1976-йилга қадар Хитой Халқ республикасининг расмий мафқураси сифатида амалда бўлиб келган. Маосизм Хитойдаги вазиятни бутунлай ўзгартириб юборди. Ушбу мафқура мамлакат таълим тизимига алоҳида фан сифатида киритилди. Унинг асосчиси Мао Цзэдун умрининг охирига қадар мамлакат лидери сифатида фаолият олиб борганлиги сабабли, унинг ғояларини халққа етказилди ва шу тариқа мамлакат ягона мафқура атрофида бирлашиб келажак сари қадам ташлади. Мао Цзэдун ғояларининг, сиёсий мафқурасининг ижобий томони шундаки, бу ғоялар мамлакатни четдан кириб келадиган турли сиёсий ва ижтимоий ёт ғоялардан қаттиқ ҳимоя қилди. Уларнинг ўртасида парчаланиш турли бошбошдоқликдан ва тартибсизлик юзага келишига йўл қўймайди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки Хитой мафқураси даврлар мобайнида босқичма-босқич турли тўсиқларни ўтиб келиб шаклланиб, ўзининг ҳозирги мукамал кўринишга эгадир. Дарҳақиқат, Хитой мафқураси кучининг асосий сабабларидан бири бу унинг тарихий жараёнлар давомида ўз миллий давлатчилигини, миллий урф-одат ва анъаналарини сақлаб қолганлигидадир. Қолаверса, аҳолининг минг йилликлар давомида фақатгина бир миллий мафқура атрофида бирлашиб, уни замонавий давргача шакллантириб, ҳаётини тажрибада амалга тадбиқ этганлиги мамлакат мафқурасининг ўз кучини сақлаб қолишига ёрдам берди. Бу борада кўп илмий ишлар бажарилган. Конфуций ва унинг шогирдлари таълимотлари негизидан ўрин олган миллий мафқура нафақат Хитой таракқиёти тарихида, давлатчиликнинг шаклланишида, балки бошқа давлатлар ривожидида ҳам муҳим роль уйнаган, ҳамда бугунга қадар сайқалланиб келмоқда.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. Тошкент. “O‘zbekiston” нашриёти, 2021. 4-бет
2. Агапов Е. П., Пендюрина Л. П. Милосердие в культурных традициях Востока: учебное пособие. – Москва, Берлин: Директ-Медиа.2016.4-стр./<https://biblioclub.ru/index.php?page=book&id=429701&razdel=11081>

3. Букатая М. В. Аксиологические основания взаимодействия традиций и новаций в культуре Китая. Автореферат на соискание кандидата культурологии.–Барнаул. 2010. стр.6./ <https://www.dissercat.com/content/aksiologicheskie-osnovaniya-vzaimodeistviya-traditsii-i-novatsii-v-kulture-kitaya>
4. Гегель Г. Лекции по истории философии в 3-х тт. Т.1. СПб., –М., 1993.
5. Дунцзянь Цзяо. Народные традиции Китая в ситуации модернизации общества. кандидат культурол. наук. –Москва 2001. / [https://rusneb.ru/catalog/000199\\_000009\\_003221846/](https://rusneb.ru/catalog/000199_000009_003221846/)
6. История Китайской философии. –М., 1989. 342-стр.
7. Конфуций. Олий одам рўёми, рўёб?// Хитой тилидан Севара Алижонова таржимаси. Жаҳон адабиёти”. 2013. 9-сон/ <https://ziyouz.uz/hikmatlar/aforizmlar/konfutsiy-oliy-odam-ruyomi-ruyob/> 24.05.2018.
8. Переломов Л.С. Традиционная Китайская философия и её роль в современном Китае. –М.,1993. 267-бет